

**ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc03/30.09.2020.K.82.02 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ҚУТЛИМУРАТОВ НУРБЕК МАТКАРИМОВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁ ВА ЧИҚИНДИЛАР АСОСИДА ИОНИТЛАР
СИНТЕЗИ**

02.00.06 - Юқори молекуляр бирикмалар

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчик – 2022

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Содержание автореферата диссертации на соискание ученой степени
доктора философии (PhD) по химии**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on Chemical sciences**

Кутлимуратов Нурбек Маткаримович

Маҳаллий хомашёлар ва чиқиндилар асосида ионитлар синтези..... 3

Кутлимуратов Нурбек Маткаримович

Синтез ионитов на основе местного сырья и отходов..... 21

Kutlimuratov Nurbek

Synthesis of ion exchange resin based on local raw materials and waste..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 42

**ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc03/30.09.2020.К.82.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ҚУТЛИМУРАТОВ НУРБЕК МАТКАРИМОВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР ВА ЧИҚИНДИЛАР АСОСИДА
ИОНИТЛАР СИНТЕЗИ**

02.00.06 - Юқори молекуляр бирикмалар

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) Диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестатсия комиссиясида B2020.3 PhD/K311 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Чирчиқ давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.cspi.uz.ilmiy-kengash манзилига ва "ZiyoNET" ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бекчанов Давронбек Жумазарович
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каримов Махмуд Муратович
кимё фанлари доктори, доцент

Троров Хамза Турсунович
кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент кимё технология институту

Диссертация ҳимояси Чирчиқ давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.09.2020.K.82.02 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йил «27» 10 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111720, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (99870) 712-27-55, факс (99870) 712-45-41; e-mail: tvchdpi_k.kengash@umail.uz).

Диссертация билан Чирчиқ давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (124 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111720, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (99870) 712-27-55, факс (99870) 712-45-41; e-mail: tvchdpi_k.kengash@umail.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «11» 10 куни тарқатилди.

(2022 йил «10» 10 даги 11 рақамли реестр баённомаси).



О.Э.Зиядуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, к.ф.д., доцент

Г.Қ.Отамухамедова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, к.ф.ф.д.(PhD)

А.С.Рафиков

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотатсияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда ион алмашинувчи материалларга бўлган талаб йилдан йилга ортиб бормоқда, бу эса ион алмашинувчи материалларни олиш ва ишлатилиш соҳаларини кенг кўламда ўрганишни тақозо қилади. Илмий ва амалий масалаларни ҳал қилишда ион алмашинувчи технологияларнинг ролини белгилаш, таркибида турли керакли хоссага эга бўлган гуруҳларни тутувчи ионитлар олишнинг янги усуллари аниқлаш, физик-кимёвий хусусиятларини тадқиқ қилиш ҳамда ушбу ионитларнинг сорбцион хоссаларини текшириш долзарб ҳисобланади. Айниқса, ион алмашинувчи материалларни гидрометаллургия, оқова ва чиқинди сувларни тозалашда кенг жорий қилиш жуда муҳимдир. Чунки, сув ер юзидаги ҳаёт учун энг муҳим бирикма бўлиб, қишлоқ хўжалиги, шаҳарсозлик билан бир вақтда жадал ривожланаётган саноат корхоналари учун муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда синтетик полимерлар асосида ион алмашинувчи материаллар синтез қилиш усуллари аниқлаш, жараёнлар бориши ва маҳсулот унумига турли омилларнинг таъсирини ўрганиш, ишлаб чиқариш технологияларини жорий этиш, уларнинг физик-кимёвий ва сорбцион хоссаларини ўрганиш, хусусий тавсифлари, техник шартлари ва талабларини ишлаб чиқиш бўйича кенг қамровли тадқиқотлар бажарилмоқда. Бу борада, жумладан, нефт-газ, табиий углеводородлар ва иккиламчи саноат маҳсулотлари иштирокида олинган синтетик полимерлар асосида ион алмашинувчи материаллар олиш, уларнинг физик-кимёвий параметрлари, таркиби ва тузилишини замонавий усулларда аниқлаш, физик-механик, селектив ва сорбцион хоссаларини таҳлил қилиш ва саноатда кенг кўламда ишлаб чиқариш усуллари такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикаимизда маҳаллий хомашёлар асосида ишлаб чиқариладиган полимер материалларининг ишлатилиш соҳаларини кенгайтириш, ион алмашинувчи материаллар олинишининг мақбул шароитларини аниқлаш ва уларни жорий этиш бўйича бир қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида¹ «Кимё ва газ-кимёси соҳаларини ривожлантириш ва табиий газни қайта ишлаш» ҳамда «Мис саноати кластерини ташкил этиш орқали мис ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш»га йўналтирилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шу мақсадда маҳаллий хомашёлар асосида янги ионитлар олиш ва уларнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганишдан олинган натижалар асосида саноат корхоналари сувини тайёрлаш ҳамда тозалаш асосий масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 февралдаги ПФ-4992-сонли «Кимё саноати корхоналарини янада ислоҳ қилиш ва

¹ 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида /Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони.

молиявий соғломлаштириш, юқори қўшилган қийматли кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сонли «Ўзбекистон Республикаси кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сонли «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ижросини таъминлашда ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда турли реагентлар билан поливинилхлоридни модификациялаш орқали ион алмашинувчи ва комплекс ҳосил қилувчи материаллар яратилмоқда. Хусусан, бир қатор хориж олимлари V.V. Bayandin, R.G. Sultangare, K. Toxomito, B. Bandbarum, R. Tataru-Farmus, R.P. Kusy, G. Martines, I.S. Ahmed, A.K. Ghoniam, A.A. Abdel, M. Аббас, S. Suga, Y. Wakayama, A. R. Roudman, G. Martines, A.K. Ghoniam, A.A. Abdel Hakim поливинилхлоридни модификациялаш орқали олинган материалларнинг сорбцион хоссалари ва қўлланиш соҳаларини кенг қамровда ўрганишган. Мамлакатимизнинг бир қатор олимлари Асқаров М.А., Мусаев У.Н., Джалилов А.Т., Бабев Т.М., Мухамедиев М.Г., Туробжонов С.М., Гафурова Д.А., Каримов М.М. ва бошқалар турли хил полимер материаллардан фойдаланиб, ионитлар олиниши ва хоссаларининг физик-кимёвий жиҳатларини тадқиқ қилиш орқали ион алмашув материалларни синтез қилиш ва қўллаш бўйича илмий изланишларга салмоқли улуш қўшганлар. Ушбу ишларни давоми сифатида “Маҳаллий хомашё ва чиқиндилар асосида ионитлар синтези” мавзуси асосида синтез қилинган ион алмашинувчи материалларнинг мақбул шароитларини аниқлаб, уларнинг физик-кимёвий хоссаларини чуқур таҳлил қилиш орқали янги турдаги сорбент синтезига замин яратади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № ПЗ-20170926416 «Маҳаллий хомашёлар асосида олинган ионитлар иштирокида технологик эритмалар ва оқова сувлари таркибидан металл ионларини ажратиш олиш» (2018-2020 йй.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий хомашёлар ва чиқиндилар асосида ионитлар синтез қилиш ҳамда уларнинг қўлланилиш соҳаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

газларни тозалашда ишлатиб бўлинган чиқиндилар таркибидан ажратиб олинган диэтанолламин (ДЭА) ҳамда моноэтанолламин (МЭА) иштирокида поливинилхлоридни модификациялаш орқали таркибида амина- ва гидроксил гуруҳлар тутган янги ион алмашинувчи материаллар олишнинг мақбул шароитларини аниқлаш;

олинган ион алмашинувчи материалларнинг кимёвий таркиби ва тузилишини замонавий усуллар ёрдамида идентификациялаш;

поливинилхлорид асосида олинган сульфокатионитни чиқинди таркибидаги диэтанолламин ва моноэтанолламин иштирокида модификациялаб таркибида амина- ва сульфогуруҳлари тутган полиамфолит олишнинг мақбул шароитларини аниқлаш ва тузулишини идентификациялаш;

олинган ионитларнинг физик, кимёвий ҳамда турли ионларга нисбатан сорбцион хоссаларини замонавий тадқиқот усуллари ёрдамида ўрганиш;

маҳаллий хомашё ҳамда чиқиндилар асосида олинган янги ионитларнинг қўлланиш соҳаларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида поливинилхлорид, газларни тозалашда ишлатиб бўлинган таркибида диэтанолламин ҳамда моноэтанолламинлар мавжуд чиқиндилар, сульфокатионит, ишлаб чиқилган анионитлар, полиамфолит, турли хилдаги металл тузлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини кимёвий модификациялаш, оксидлаш, сорбция, регенерация, десорбция, ғоваклик даражаси, кимёвий барқарорлиги, жараёнлар кинетикаси, сорбция кинетикаси ва изотермаси ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида ИҚ - спектроскопия, термогравиметрик таҳлил, элемент таҳлил, сканерловчи электрон микроскопия, оптик эмиссион спектроскопия, спектрофотометрия, комплексонометрия, сорбция жараёнларини ўрганишда Ленгмюр, Фрейндлих, Тёмкин, Дубинин-Радешкевич ҳамда Флори-Хаггинс назариялари, ҳамда псевдо-биринчи ва псевдо-иккинчи тартибли кинетик моделлари каби замонавий назарий ва экспериментал тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

поливинилхлоридни газларни тозалашда ишлатиб бўлинган чиқиндилар таркибидан ажратиб олинган диэтанолламин ҳамда моноэтанолламинлар иштирокида модификациялаш орқали янги ПВХ-А-Н-1 ҳамда ПВХ-А-Н-2 анионитлар олинган;

грануланган пластикат поливинилхлорид асосида олинган сульфокатионитни чиқинди моноэтанолламин билан модификациялаб полиамфолит олиш жараёнинининг мақбул шароитлари аниқланган;

олинган ионитларнинг физик ҳамда кимёвий хоссаларини текшириш орқали юқори сорбцион хоссага, кимёвий ва термик барқарорликга эга эканлиги аниқланган;

олинган анионитларга Cu (II), Mn (VII) ва Cr (VI) ионлари сорбциясини ўрганилишида олинган натижалар ПВХ-А-Н-2 нинг сорбцион хусусияти ПВХ-А-Н-1 анионитидан устунлиги аниқланган;

илк бор маҳаллий анионитлар ёрдамида газларни тозалашда ифлосланган алканолламинларни термик барқарор тузлардан тозалаш жараёни текширилган ва унинг мақбул шароитлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

маҳаллий хомашё поливинилхлоридни чиқинди аминлар иштирокида аминлаш орқали янги анионитлар олинган;

гранулаланган поливинилхлорид асосида олинган сульфокатионитни аминлаш орқали янги полиамфолит олинган;

олинган ионитлар ёрдамида оқова сувлар таркибидаги Cu (II), Cr (VI) ва Mn (VII), Cl, CH₃COO⁻ ионларини тозалаш мумкинлиги аниқланган;

маҳаллий анионитлар ёрдамида газларни тозалашда ифлосланган алканолламинлар юқори самара билан регенерация қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ИҚ - спектроскопия, дифференциал термик таҳлил, элемент анализ, сканерловчи электрон микроскопия, спектрофотометрия каби замонавий усуллар ёрдамида экспериментал натижалар олинганлиги; ион-мувозанат, адсорбция жараёнлари кинетикаси псевдо-биринчи ва псевдо-иккинчи тартибли кинетик моделлар ҳамда кўп қўлланиладиган изотерма моделлари, металл ионлари сорбция термодинамикаси замонавий назарияларда ишлатиладиган тенгламаларни қўллаш орқали олинган натижаларни таҳлил қилиш билан ҳулосалар чиқарилган ва математик статистика усуллари билан қайта ишлаб чиқилганлиги билан аниқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти гетероген шароитда поливинилхлорид асосида олинган ПВХ-А-Н-1, ПВХ-А-Н-2 ҳамда поливинилхлорид асосида олинган сульфокатионитдан таркибида олтингугурт ва азот тутган полиамфолит ПВХ-С-Н-1 олиш жараёнларининг физик кимёвий қонуниятларини тадқиқ этиш орқали жараён боришини бошқариш мумкинлигини кўрсатиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий хомашё ҳамда чиқиндилар асосида амина ва гидроксид гуруҳлар тутган ПВХ-А-Н-1, ПВХ-А-Н-2 янги анионитлар ҳамда амина ва сульфогуруҳ тутган полиамфолит олинган ҳамда улар ёрдамида саноат корхоналари учун сувларни тузсизлантириш, чиқинди сувларини экологияга салбий таъсир кўрсатувчи турли хил захарли ва оғир металл ионларидан тозалаш, гидрометаллургия саноатида технологик эритмаларни концентрлаш ва улардан рангли металлларни ажратиш олиш мумкинлигини билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маҳаллий хомашё поливинилхлорид пластикатини чиқинди диэтанолламин ва моноэтанолламин

иштирокида модификациялаб синтез қилинган анионитларнинг физик-кимёвий хоссалари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

газларни тозалашда қўлланиладиган метилдиэтаноламинни тозалаш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан ихтирога патент олинган (№ IAP06832; 2022 й.). Натижада, янги сорбент иштирокида ифлосланган метилдиэтаноламинни тозалаш имконини берган;

синтез қилинган янги анионалмашувчи сорбентлар асосида оқова сувларни турли хил ионлардан тозаловчи кичик ускуна «МАХАМ-CHIRCHIQ» АЖ да амалиётга жорий этилган («МАХАМ-CHIRCHIQ» АЖ нинг 2020 йил 9 сентябрдаги 19-15/50А - сон маълумотномаси). Натижада ионалмашувчи сорбентларни асосида оқова сувни тозалаш усулини ишлаб чиқиш имконини берган;

синтез қилинган ионитлар «Муборак газни қайта ишлаш заводи» АЖда амалиётга жорий қилинган («Муборак газни қайта ишлаш заводи» АЖнинг 2021 йил 20 декабрдаги 1052/ГК-12-сон маълумотномаси). Натижада, оқова сувлар таркибидаги оралиқ металллар Cu (II) ионини дастлабки микдорининг 1,2%гача ва Cr (VI) ионларидан тўлиқ тозалаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари асосида 10 та, жумладан 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) Диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола республика журналларида, 1 та мақола хорижий журналларида нашр этилган. Бундан ташқари, диссертация натижалари асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги интеллектуал мулк агентлигидан 1 та патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертацияси таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 саҳифани ташкил этади².

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ишнинг долзарблиги, мавзунинг янгилиги ҳамда зарурлиги асослаб берилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари таърифланган, тадқиқотнинг объект ва предметлари аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, эришилган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилинганлиги, нашр этилган ишлар, Диссертация тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар келтирилган.

² Муаллиф диссертация ишини бажаришда берган илмий маслаҳатлари учун кимё фанлари доктори, проф. М.Г.Мухамедиевга ўзининг самимий миннатдорчилигини билдиради.

Диссертациянинг «**Ионитларнинг олиниши ва уларнинг ишлатилиш соҳалари (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида, ионитларнинг физик-кимёвий хоссалари, уларни олинишининг ҳозирги ҳолати, сорбцион хоссали полимерлар олинишига олиб келувчи модификациялаш жараёнларнинг шароитлари кўриб чиқилган. Хусусан, поливинилхлорид асосида ионитлар олишнинг турли омилларга боғлиқликлари шарҳланди. Газларни тозалаш бўйича изланишларга ҳам тўхталиб ўтилган. Ионитларнинг олиниши ва ишлатилиш соҳалари бўйича илмий-техника ва патент ахборотлари ўрганилиб, турли сорбцион технологиялар учун мўжалланган ионалмашинувчи материалларни мақсадли қўллаш тенденциялари таҳлил қилинган. Мавжуд назарий ва амалий натижалар таҳлили асосида вазифанинг қўйилиши тавсифлаган. Мавзунинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, берилган хоссалар мажмуига ега донатор ионитларнинг зарурияти тўғрисида хулосалар келтирилган. Айти шу таҳлил натижасида поливинилхлорид асосида олинган турли хил хоссали сорбентлар ёрдамида экологик муаммоларни бартараф қилишда олиб борилаётган хориж ва республикаимиз олимларининг изланишлари ҳам шу бобда ўрин егаллаган.

Диссертациянинг «**Маҳаллий хомашёлар ва чиқиндилар асосида ионитлар олинишнинг қонуниятлари**» деб номланган **иккинчи бобида**, донатор поливинилхлорид (ПВХ) асосида ҳамда ПВХ асосида олинган сульфокатионитни диэтаноламин (ДЭА) ҳамда моноэтаноламин (МЭА) иштирокида кимёвий модификациялаб таркибида амина гуруҳ тутган анионит ҳамда амина ва сульфогуруҳ тутган полиамфолит олиш жараёнининг физик-кимёвий хусусиятлари ёритиб берилган.

Модификациялаш учун олинган пластикат поливинилхлорид ва у асосида олинган сульфокатионитни турли хил концентрацияли ДЭА ва МЭА эритмаларидан фойдаланилди. Олиб борилган реакцияларнинг боришига турли хил омилларнинг таъсирини ўрганиш натижалари характерининг ўхшаш бўлиши аниқланган.

Бунинг учун маълум массали пластикат поливинилхлорид 8:2 нисбатда этилацетат (ЭА) ва этил спирт билан 351 ± 1 К ҳароратда экстракция қилинди. Олинган полимер материал дастлаб HCl нинг 0,1н ли эритмасида 48 соат давомида қолдирилди, кейин эса рН қиймати 7 (нейтрал ҳолатга) келгунча дистилланган сув билан ювилиб борлди. Нейтрал ҳолатдаги полимер материал активлантирилантириш учун 0,1 н ли NaOH эритмасида 48 соат давомида қолдирилди ва нейтрал ҳолга келгунча ювилди. Нейтрал ҳолдаги анионит 0,1 н ли HCl да эритмасида бир сутка қолдирилди (сорбент миқдорига мос рақибда кислота ва ишқор эритмаларидан олинди). Анионит солинган кислота эритмаси 0,1н NaOH билан титрланиб, статик алмашинув сифими (САС) қиймати аниқланди.



Олинган натижалар 1-жадвалда келтирилди. ПВХ нинг тоза ҳолда олинган ДЭА билан модификацияси натижасида олинган ионитнинг САС қиймати 3,6 мг•экв/г га тенг бўлди.

1-жадвал

Анионит олиш жараёнида САС қийматига ДЭА ҳажмининг таъсири

№	ПВХ ва ДЭА нисбатлари					
1.	ПВХ-ДЭА (г/мл)	1:2	1:5	1:10	1:15	1:20
2.	САС(НСl) мг•экв/г	0,8	1,8	3,2	3,2	3,2

Чиқиндидан ажратиб олинган ДЭА билан эса $3,2 \pm 0,2$ мг•экв/г тенглигини кўришимиз мумкин. 1-жадвалдан қуйидагича хулоса қилиш мумкин: 1 гр экстракция қилинган пластикат поливинилхлоридга 10 мл чиқинди ДЭА билан модификация қилинганда олинган янги полимернинг статик алмашилиш сиғими энг юқори (3,2 мг•экв/г) бўлади ва полимер ДЭА нисбатни янада ортиши анионит САСга таъсир этмайди.



1- Расм. ПВХ га ДЭА таъсирида олиган ионитни САСига (а) ва реакция тезлигига логарифмлик координатларда (б) ДЭА концентрацияси таъсири (T=413K; t=300 мин.)


Ушбу босқичда поливинилхлоридни чиқинди ДЭА билан модификациялаш жараёни ДЭА концентрациясига, реакция давомийлигига ҳамда ҳароратга боғлиқлиги аниқланди. ПВХ га ДЭА нинг модификацияланиш кинетикасини ўрганиш мақсадида дастлаб, ПВХ га 20, 40, 60, 80 ва 100% ли турли концентрацияли чиқиндидан олинган ДЭА эритмасида (эритувчи сув) таъсир этилди. Жараён гетероген бўлганлиги учун реакция тезлигига ПВХ миқдорини таъсири кузатилмади.

Модификация алмашилиш даражасининг концентрацияга боғлиқлиги қуйидаги кўринишга эга:

$$v = k \cdot [DЭА]^{1,43} \quad (1)$$

k – бу тенглама бўйича ҳисобланган реакция тезлиги константаси $7,02 \cdot 10^{-6}$ сек•л/мол қийматга тенг эканлиги аниқланди.


ПВХ ни чиқинди ДЭА билан модификациялаш жараёнининг давомийлигини аниқлаш учун реакция 413K ҳароратда 30-360 дақиқа вақт оралиғида ўтказилди. Реакция давомийлиги 300 дақиқага етканда ионит САС қиймати 3,2 мг•экв/г ни ташкил этди ва янада таъсир вақти ортиши САС қийматини ўзгартирмади.



2- Расм. Поливинилхлоридни ДЭА билан модификациялаш жараёнига ҳароратнинг таъсири ($S_{\text{ДЭА}}=80\%$; $t=300$ мин.)


Аррениус тенгламаси координатида кузатишган тезликни ҳароратга боғлиқликнинг (2 расм) бурчак тангенси қиймати $\text{tg}\alpha = -2387$ асосида модификацияланиш реакциясининг фаолланиш энергияси $E = -R \cdot \text{tg}\alpha$ формула ёрдамида ҳисоблаб чиқилди, унинг қиймати 19,846 кЖ/мол эканлиги аниқланди.

Поливинилхлорид асосида олинган анионит(ПВХ-А-Н-1)нинг тузилиши ва таркибини идентификациялаш. Поливинилхлоридни чиқинди диэтаноламин билан модификациялаб олинган ПВХ-А-Н-1 ионитни идентификациялаш учун қуруқ сорбентнинг инфрақизил (ИҚ) спектри текширилди.





3 -Расм. Экстракция қилинган ПВХ (а) ҳамда ПВХ-А-Н-1 ларнинг(б) ИҚ спектри

Келтирилган 3 - расмдаги олинган намунанинг ИҚ - спектроскопик таҳлил натижаларини даслабки ПВХ пластикати билан ПВХ-А-Н-1 таққослаганда 3346 cm^{-1} соҳада жуда интенсив ютилиш пайдо бўлганлиги, NH ва OH гуруҳлари полимерга модификация бўлганлигини, 1257 cm^{-1} соҳасидаги ютилиш $\nu(\text{C-N})_{\text{ас}}$, $1067-1168 \text{ cm}^{-1}$ $\nu(\text{C-N})_{\text{с}}$ га тегишли эканлигини кўрсатади. ПВХ асосидаги таркибида азот тутган анионитнинг олиниш реакциясини қуйидагича кимёвий реакция тенгламаси билан ифодалаш мумкин:



Полимер материалларнинг сканерловчи электрон микроскопик таҳлили. Кўплаб ион алмашилиш хусусиятига эга бўлган полимер материалларнинг морфологик ва сирт тузилишини аниқлашда сканерловчи электрон микроскопия (СЕМ) анализидан кенг фойдаланилади.



4-Расм. а) экстракцияланган пластикат ПВХ б) анионит ПВХ-А-Н-1 сирт юзаларининг кўриниши с) ПВХ-АН-1 энергодисперсион анализи



Келтирилган СЕМ микрофотографияларидан кўриниб турибдики (4 – расм а,б) ПВХ дан пластификатор чиқариб юборилган ва аминланган полимер юзалари бир хил тузилишли бурмалар ҳосил қилган.

Поливинилхлорид асосида олинган анионит ПВХ-А-Н-2 нинг синтез қилишнинг мақбул шароитлари. Турли шароитларда ПВХга МЭА таъсирида олинган маҳсулотининг статик алмашилиш сиғими текширилди ва 2-жадвалда келтирилди.

Анионит олиш жараёнида САС қийматига МЭА ҳажмининг таъсири

№	ПВХ ва чиқинди маҳсулотлардан олинган МЭА турли хил нисбатлари					
1.	ПВХ:МЭА (г/мл)	1:2	1:5	1:10	1:15	1:20
2.	САС(НCl) мг•экв/г	1,2	2,2	3,8	3,8	3,8

Ионоген гуруҳларнинг мавжудлигини текшириш учун модификациялаш натижасида олинган анионитнинг (ПВХ-А-Н-2) НCl (0,1 н ли эритмаси) бўйича САС қийматлари аниқланди. Чиқиндидан ажратиб олинган МЭА билан ПВХни модификациялаш орқали олинган ионитнинг САСни максимум қиймати полимер ва модификацияловчи агент 1:10 нисбатда бўлганда $3,8 \pm 0,2$ мг•экв/г га тенглигини ва модификацияловчи агентнинг миқдори янада ортиши анионитнинг САС қийматига таъсир қилмаслиги кўришимиз мумкин.




5-Расм. ПВХ га МЭА таъсирида олинган ионитни САСига (а) ва реакция тезлигига логарифмлик координатларда (б) МЭА концентрацияси таъсири (Т=403К; t=300 мин.)

5-расмдан МЭА концентрацияси 80% бўлганда энг юқори САСга эга бўлган анионит олиниши ва ушбу концентрациядан юқори бўлган шароитларда олинган анионитнинг САС қиймати бир оз пасайганлиги кузатилди. ПВХ миқдорини ўзгариши ушбу реакцияда ҳам тезликка таъсир қилмади. Олинган натижалар ёрдамида МЭА бўйича реакция тартиби топилган ва унинг қиймати 1,24 га тенг. Натижада ўрганилаётган реакция тезлиги қуйидаги тенгламага бўйсунити кўрсатилган.

$$v = k \cdot [\text{МЭА}]^{1,24} \quad (2)$$


$k = 8,77 \cdot 10^{-6}$ сек•л/моль қийматга тенг эканлиги аниқланди.

ПВХ ни МЭА билан аминлаш реакциясига ҳарорат таъсирини ўрганилди модификациялаш жараёнининг макбул ҳарорати топилди ва бу ҳарорат 400-405К эканлиги, реакция фаолланиш энергиси қиймати 13,65 кЖ/мол эканлиги 6-расмдан ҳисоблаб топилди.




6 – Расм. ПВХни чиқинди МЭА билан модификациялаб олинган анионитнинг САС қийматини ҳароратга боғлиқлиги

Поливинилхлорид асосида олинган ПВХ-А-Н-2 ионитнинг кимёвий таркиби ва тузилишини идентификациялаш. Поливинилхлоридни чиқинди моноэтаноламин билан мақбул шароитларда модификациялаб олинган намунанинг ИҚ спектри 7–расмда келтирилган.




7-Расм. ПВХ-А-Н-2 нинг ИҚ спектри

Олинган намунанинг ИҚ - спектроскопик таҳлил натижаларини даслабки ПВХ пластикати билан ПВХ-А-Н-2 таққослаганда 3336 cm^{-1} соҳада жуда интинсив ютилиш пайда бўлганлиги NH ва OH гуруҳлари полимерга модификация бўлганлигини, 1643 cm^{-1} соҳасидаги ютилиш $\delta(\text{--NH гуруҳи})$ га тегишли, $1122\text{--}1255 \text{ cm}^{-1}$ соҳасидаги ютилиш $\nu(\text{C--N})_{\text{ас}}$, $1072\text{--}1122 \text{ cm}^{-1}$ $\nu(\text{C--OH})_{\text{с}}$ га тегишли эканлигини кўрсатади, $1000\text{--}1350 \text{ cm}^{-1}$ соҳасидаги ютилиш $\nu(\text{C--N})_{\text{ас}}$. $2958\text{--}2929 \text{ cm}^{-1}$ соҳасидаги ютилиш ИҚ спектр таҳлилларидан хулоса қилиб, ПВХ асосидаги NH гуруҳ тутган анионитнинг олиниш реакциясини қуйидагича кимёвий реакция тенгламаси билан ифодалаш мумкин:




Полимер занжиридаги хлор атомларини маълум бир қисми ўрнига аминогуруҳлари (-NHCH₂CH₂OH) алмашинганлигини кўриш мумкин.

Полимер материалларнинг сканерловчи электрон микроскопик таҳлили. ПВХ-А-Н-2 нинг микрофотографиялари солиштирилган натижалари қуйидаги 8 – расмда келтирилган. Расмлар ПВХни МЭА билан аминлаш асосида олинган сорбент катта сирт юзасига эга бўлганлигини кўрсатади. Бундай морфологик тузилишга эгаллиги уни турли ионларига нисбатан юқори сорбцион хосса намоён қилишига асос бўлади.



8- Расм. ПВХ-асосидаги материаллар микрофотографиялари
а)пластикат ПВХ б) экстракцияланган пластикат ПВХ д) ПВХ-А-Н-2
сирт юзасининг кўриниши



9-Расм. ПВХ-А-Н-2 нинг сирт юзасидаги элементлар тарқалиш харитаси

ПВХ-А-Н-2 анионитининг сирт юзасидаги элементлар тарқалиш харитасидан (9-расм) уларнинг бир текис тарқалганлиги, энергодисперсион анализдан эса анионит таркибида азот элементнинг масса улуши тегишли равишда 5,6 % ташкил қилган.

Олинган натижалар ПВХ-A-N-2 анионитни олинишининг мақбул шароитлари куйдагича яни $[MЭA]=80\%$, $T=400-405K$ $t=300$ дақиқа эканлиги аниқлаб берди.


Поливинилхлорид асосида синтез қилинган сульфокатионитни чиқинди маҳсулотдан ажратиб олинган моноэтаноламин билан модификациялаш. Поливинилхлорид асосидаги сульфокатионитни газларни тозалашда ишлатилиб бўлинган чиқинди таркибидан ажратиб олинган МЭА билан турли нисбатларда модификациялаш реакциялари олиб борилди (3-жадвал).

3-жадвал

Полиамфолит олиш жараёнида САС қийматига МЭА ҳажмининг таъсири

№	ПВХ ва МЭА нисбатлари					
1.	Сульфокатионит-МЭА (г/мл)	1:2	1:5	1:10	1:15	1:20
2.	САС(HCl) мг•экв/г	1,2	1,6	1,8	2,4	2,4

Статик алмашиниш сиғими миқдори энг юқори бўлган сорбент актив ҳолатга келтирилди ва қуритилди. Қуритилган янги полимернинг ИҚ спектри ва элемент таҳлили олинди.




10 - Расм. ПВХ, ПВХ-S, ПВХ-SO₃H ҳамда ПВХ-A-N-S-1 ларнинг ИҚ спектри

ИҚ спектр таҳлилларидан хулоса қилиб, 3200 см^{-1} соҳада жуда интинсив ютилиш пайда бўлганлиги $-NHCH_2CH_2OH$ гуруҳлари сульфокатионитга модификация бўлганлигини, 1650 см^{-1} соҳасидаги ютилиш C_2NH гуруҳи (иккиламчи амин) га тегишли, $600-800\text{ см}^{-1}$ ораликдаги ютилиш $\nu(C-S)$ га тегишли, $1010-1260\text{ см}^{-1}$ ораликдаги ютилиш $C-SO_3H$ га тегишли, 1350 см^{-1}


соҳасидаги ютилиш ПВХ ва диэтанолламин таркибидаги $-\text{CH}_2$ (ассиметрик метилен)нинг деформацион тебранишларига тўғри келиши, 1122 см^{-1} соҳасидаги ютилиш $\nu(\text{C-N})_{\text{ас}}$, $1067\text{--}1168\text{ см}^{-1}$ $\nu(\text{C-OH})_{\text{с}}$ га тегишли эканлигини кўрсатади, $1000\text{--}1350\text{ см}^{-1}$ соҳасидаги ютилиш $\nu(\text{C-N})_{\text{ас}}$. $2932\text{--}2853\text{ см}^{-1}$ соҳасидаги ютилиш ПВХ ва моноэтанолламин таркибидаги $-\text{CH}_2$ (метилен)нинг валент тебранишларига тўғри келиши, 636 см^{-1} соҳасидаги ютилиш C-Cl интенсивлигининг камайиши ПВХ таркибидан HCl чиқиб кетканлиги билан изоҳлаш мумкин.

ПВХ асосидаги сульфокатионит таркибида моноэтанолламин билан модификациялаш реакция маҳсулотини қуйидагича кимёвий реакция тенгламаси билан ифодалаш мумкин:



ПВХ асосидаги сульфокатионит занжиридаги мавжуд хлор атомларини маълум бир қисми ўрнига аминогурuhlари ($-\text{NH}_2\text{CH}_2\text{CH}_2\text{OH}$) алмашинганлигини кўриш мумкин. Модификация жараёнида олинган модда янги эканлигини, бу эса янги олинган полимернинг хоссаларини ўрганишимизга замин яратади.

ПВХ асосида олинган сульфокатионитни чиқинди маҳсулоти таркибидаги МЭА билан модификация қилиб олинган полиамфолитнинг энергодисперсион анализи полимер C, N, S элементлардан тузилган эканлигини кўрсатади (11-расм).



11-Расм- а) ПВХ-С б) ПВХ-SO₃H в) ПВХ-A-N-S-1 полимерларининг EDS анализи

Қўлланиш соҳаларини аниқлаш мақсадида ПВХ-A-N-2 ионитга 293 дан 333K ҳароратлар оралиқларида эритмалардан Cu(II) , Cr(VI) ва Mn(VII) ионларининг сорбция жараёни ўрганилди.

4-жадвал

Cu(II), Cr(VI) ва Mn(VII) ионларининг ПВХ-A-N-2 сорбентига сорбция изотермасини Ленгмюр тенгламаси параметрлари (сорбент массаси 3 г, ҳарорат 333K)

Ионлар	Бошланғич концентрация (мг/мл)	Кейинги концентрация (мг/мл)	q_{\max} (мг/г)	K_L	$G_{\text{адс}}$
Cu (II)	3200	2799,14	136,7	0,257	-20,314
Cr (VI)	1080	859,16	75,76	0,0154	-20,895
Mn (VII)	595	354,4	126,6	0,375	-21,272

Келтирилган 4-жадвалвалдан кўринадик, ўрганилаётган системалар ичида Cu (II) ионларининг ионитга сорбцияси юқорироқ бўлади. Худди шундай натижалар ўрганилаётган металл ионларини анионит ПВХ-A-N-2 томонидан сорбциясини динамик шароитда кўп мартаба олиб борилганида ҳам кузатилди. Олинган натижалар синтез қилинган анионитни рангли металл турли хил саноат шароитида адсорбциясида қўллаш мумкинлигидан далолат беради.

ХУЛОСАЛАР

1. Маҳаллий хомашё ПВХ ни газларни тозалашда ишлатиб бўлинган чиқинди таркибидаги ДЭА ва МЭА билан модификациялаш жараёнларига таъсир этувчи омилларни ўрганиш натижасида анионитлар олинишининг мақбул шароитлар аниқланди. Модификациялаш жараёни гетероген реакциялар қонуниятларига бўйсунishi аниқланди ва уларни ифодоловчи кинетик тенгламалар таклиф қилинди.

2. ПВХ асосидаги сульфокатионитни чиқинди таркибидаги ДЭА ва МЭА билан модификациялаш орқали янги полиамфолит олиш реакциясига турли хил омилларнинг таъсири ўрганилди ҳамда жараён олиб боришнинг мақбул шароитлари топилди. Олинган амфолит ҳам асосли ҳам кислотали хоссалар намоён қилиши кўрсатилди. Синтез қилинган ионитлар таркибида гидроксил гуруҳлар мавжудлиги уларнинг сорбцион қобилияти ва бошқа физик-кимёвий хоссаларига таъсир қилиши мумкинлиги башорат қилинди.

3. Олинган полимерни ИҚ-спектроскопик усул билан идентификациялаш орқали таркибида иккиламчи ҳамда учламчи амин гуруҳ тутган анионитлар, ҳамда полиамфолит таркибида ҳам катион алмашинувчи сульфогуруҳлар, ҳам анион алмашинувчи иккиламчи аминогуруҳлари борлиги аниқланди. Олинган ионитларни сканерловчи электрон микрофотографиялари таҳлили уларнинг сорбциялаш жараёнини осонлаштирувчи ғовак тузилишга эга эканлигини тасдиқлади. Шунингдек ионитларнинг ўрганилган физик-кимёвий хоссалари саноат миқёсида сувдаги

мавжуд ионларни ажратиб олишда ишлатиш талабларига мос келишини кўрсатди.

4. Анионитларга мис (II), хром (VI) ҳамда Mn(VII) ионларининг ютилиш кинетикаси тадқиқ қилинди, ҳамда сорбция жараёнининг активланиш энергияси ҳисоблаб топилди. Олинган натижалар ўрганилаётган жараён псевдо-иккинчи тартибли реакциялар қонуниятларига бўйсиниши, системадаги ионлар билан бир қаторда ионит таркибидаги ионоген гуруҳлар ҳисобига ион алмашилиш реакциялари борганлигидан далолат беради. Сорбция жараёнининг изотермик мувозанатини замонавий изотерма моделлари ёрдамида ўрганилганда, бу жараён Ленгмюр мономолекуляр назариясига бўйсунуши аниқланди.

5. Маҳаллий хомашёлар ва чиқиндилар асосида олинган грануласимон анионитлар иштирокида саноат корхона сувларини тозалаш учун бир неча маротаба динамик шароитда сорбция, десорбция жараёнлари амалга оширилганда, унинг сорбцион хоссалари ўзгармасдан қолгани кузатилди ва натижада анионитни саноат корхоналарида сувларни тозалашда кўп маротаба қўллаш мумкинлигини имконини берди. Олинган ионитлар ёрдамида «МАХАМ-Чирчиқ» АЖ ҳамда «Муборак газни қайта ишлаш заводи» АЖ технологик жараёнларида ҳосил бўладиган сувларини оралиқ металл ионларидан тозалашга имкон берувчи мақбул ускуна ишлаб чиқилди ва саноат миқёсида жорий қилиниш учун тавсия этилди.

6. Поливинилхлорид ва аминлар иштирокида олинган янги анион алмашинувчи материаллар ёрдамида газларни кислотали газлардан тозалашда қўллаш натижасида ифлосланган алканоламинларни юқори самара билан 95% гача тозаликда регенерация қилиши исботланди. Шунингдек бу усул учун Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг № IAP 06832 рақамли ихтиро учун патенти олинди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.09.2020.K.82.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ЧИРЧИКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ЧИРЧИКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

КУТЛИМУРАТОВ НУРБЕК МАТКАРИМОВИЧ

СИНТЕЗ ИОНИТОВ ОСНОВЕ МЕСТНОГО СЫРЬЯ И ОТХОДОВ

02.00.06 - Высокомолекулярные соединения

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Чирчик - 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2020.3. PhD/K311.

Диссертация выполнена в Чирчикском государственном педагогическом университете
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу Научного совета (www.cspi.uz.ilmiy-kengash) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Бекчанов Давронбек Жумазарович
доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Каримов Махмуд Муратович
доктор химических наук, доцент

Троров Хамза Турсунович
доктор химических наук, профессор

Ведущая организация:

Ташкентский химико-технологический институт


Защита диссертации состоится 27 10 2022 г в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.09.2020.K.82.02 при Чирчикском государственном педагогическом университете. (Адрес: 111720, Ташкентская область, г. Чирчик, ул. Амира Темура 104, Тел.: (99870)712-27-55, факс: (99870)712-45-41; e-mail: tvchdpi_k.kengash@umail.uz).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Чирчикского государственного педагогического университета за № __, (111720, Ташкентская область, г. Чирчик, ул. Амира Темура 104, Тел.: (99870)712-27-55, факс: (99870) 712-45-41.


Автореферат диссертации разослан "11" 10 2022 года.

(реестр протокол рассылки № 11 от "10" 10 2022 года).




О.Э.Зиядуллаев
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.х.н., доцент


Г.К.Отамухамедова
Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, д.х.н. по химии (PhD)


А.С.Рафиков
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.х.н., профессор.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в современном мире потребность к ионообменным материалам растет день ото дня, что требует всестороннего изучения процессов их получения и применения. Важно определить роль ионообменных технологий в решении научных и практических задач, в частности, изучить физико-химические свойства ионитов, содержащих разные группы с необходимыми свойствами, и изучить сорбционные свойства этих ионитов. В частности, большое значение имеет широкое внедрение ионообменных материалов в гидрометаллургию, очистку сточных и сбросных вод. Вода является самым необходимым соединением для жизни на Земле, наряду с сельским хозяйством и градостроением она имеет важное значение для быстрорастущих промышленных предприятий.

Во всем мире проводятся научные исследования по определению методов синтеза ионообменных материалов на основе синтетических полимеров, внедрению технологий производства, изучению их физико-химических и сорбционных свойств, разработке конкретных характеристик, технических условий и требований. В связи с этим, в том числе производство ионообменных материалов на основе синтетических полимеров, полученных с участием нефти и газа, природных углеводородов и вторичных промышленных продуктов, определение их физико-химических параметров, состава и структуры современными методами, анализ физико-механических, селективные и сорбционные свойства. Особое внимание уделяется совершенствованию методов крупнотоннажного производства.

В Республике проводится ряд научных исследований по расширению использования полимерных материалов, произведенных на основе местного сырья, определению оптимальных условий производства ионообменных материалов и их внедрению и получены определённые результаты. Стратегия «Развития отраслей химии, газо-химии и переработки природного газа» нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы¹, а также в указе президента по «Производству меди и другой продукции путём создания кластера медной промышленности» направлены на определение важнейших задач в этом направлении. В связи с этим применение для очистки сточных вод и водоподготовки в промышленности результатов исследования по получению новых ионообменных смол на основе местного сырья и изучению их физико-химических свойств является важнейшей задачей.

Результаты данного диссертационного исследования в определенной мере послужат при реализации задач установленных в Указе Президента Республики Узбекистан от 13 февраля 2021 года № ПФ-4992 «О дальнейшем реформировании и финансовом оздоровлении предприятий химической

¹ О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы/Указ Президента Республики Узбекистан ПФ-60 от 22 января 2022 года.

